



Academia Review-A Multidisciplinary Online Journal

ISSN (Online): 3070-6726

Website: <https://academia.org>

Volume 2, Issue 4, April, 2026



This work is Licenced under Creative Commons Attribution 4.0 International License (CC BY 4.0).

# System Of Labor Dispute Resolution In Uzbekistan And Foreign Countries: Comparative Analysis And Prospects

**Adilova Marzhangul Elmuratovna**

Teacher of the Department of "Human Rights, Public Law and Governance" of the Berdakh Karakalpak State University

**Annotation:** This article analyzes the theoretical and procedural foundations of considering labor disputes within civil proceedings. The author, relying on the norms of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan, highlighted the features of individual and collective labor disputes. The study comparatively examines the experience of developed foreign countries (USA, Great Britain, Germany, and France) and reveals the advantages of labor tribunals, the principle of parity, and the stages of forced reconciliation. In conclusion, scientific proposals were put forward to improve national legislation.

**Keywords:** Labor dispute, civil proceedings, individual dispute, collective dispute, labor tribunal, conciliation stage, mediation, parity principle, burden of proof.

## Ўзбекистон Ва Хорижий Мамлакатларда Меҳнат Низоларини Ҳал Этиш Тизими: Қиёсий Таҳлил Ва Истиқболлар

**АДИЛОВА МАРЖАНГУЛ ЕЛМУРАТОВНА**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети "Инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқарув" кафедраси ўқитувчиси



**Аннотация:** Мақолада меҳнат низоларини фуқаролик суд ишлари юритуви доирасида кўриб чиқишнинг назарий ва процессуал асослари таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нормаларига таянган ҳолда, яқка тартибдаги ва жамоавий меҳнат низоларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берган. Тадқиқотда ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция) тажрибаси қиёсий ўрганилиб, меҳнат трибуналлари, паритет тамойили ва мажбурий яраштирув босқичларининг афзалликлари очиб берилган. Яқунда миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат низоси, фуқаролик суд ишлари юритуви, яқка тартибдаги низо, жамоавий низо, меҳнат трибуналли, яраштирув босқичи, медиация, паритет тамойили, исботлаш мажбурияти.

**Аннотация:** В статье анализируются теоретические и процессуальные основы рассмотрения трудовых споров в рамках гражданского судопроизводства. Автор, опираясь на нормы Трудового кодекса Республики Узбекистан, осветил особенности индивидуальных и коллективных трудовых споров. В исследовании сравнительно изучен опыт развитых зарубежных стран (США, Великобритании, Германии и Франции), раскрыты преимущества трудовых трибуналов, принципа паритета и этапов принудительного примирения. В заключение были выдвинуты научные предложения по совершенствованию национального законодательства.

**Ключевые слова:** трудовой спор, гражданское судопроизводство, индивидуальный спор, коллективный спор, трудовой трибунал, примирительная стадия, медиация, принцип паритета, обязанность доказывания.

Меҳнат низоси – бу ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат қонунчилиги, меҳнат шартномаси ёки жамоа шартномаси билан боғлиқ масалалар юзасидан юзага келадиган келишмовчиликдир. Бу низолар икки турга бўлинади: яқка тартибдаги ва жамоавий. Ҳар бир тур учун ўзига хос ҳал



қилиш тартиби белгиланган бўлиб, бу барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар Меҳнат низоларини ҳал қилиш билан меҳнат низолари бўйича комиссиялар (МНК) ва судлар шуғулланади. Комиссия ташкилот ичидаги яқка тартибдаги низоларни кўриб чиқади. Агар низо корхона даражасида ҳал этилмаган бўлса, томонлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Жамоа низолари ҳам МНК орқали ҳал қилиниши мумкин, бироқ ечим топилмаса, иш суд муҳокамасига ўтказилади.

Меҳнат низоларини фуқаролик судларида кўриш нафақат ходимнинг ҳуқуқларини тиклаш, балки иш берувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Меҳнат низолари бошқа фуқаролик ишларидан ўзининг ижтимоий характери ва тарафларнинг процессуал тенглигини таъминлашдаги ўзига хос ёндашуви билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 542-моддасига кўра, меҳнат низолари субъектнинг таркибига қараб яқка тартибдаги ёки жамоавий бўлиши мумкин.

Иш берувчи ва ходим ўртасидаги қуйидаги масалалар бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар яқка тартибдаги меҳнат низоларидир:

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш;

ходим учун яқка тартибдаги янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд яқка тартибдаги меҳнат шартларини (шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш.

Яқка тартибдаги меҳнат низоларига қуйидаги низолар ҳам киради:

иш берувчи ва мазкур иш берувчи билан илгари меҳнатга оид муносабатларда бўлган шахс ўртасидаги низо;

иш берувчи ва мазкур иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузиш истагини билдирган шахс ўртасидаги низо, агар иш берувчи ушбу шахсни ишга қабул қилишни рад этган бўлса.

Ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасидаги:



янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини (шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш масалалари бўйича; жамоа келишувларини, жамоа шартномасини, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ходимларнинг вакиллари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ва ўзгартириш масалалари бўйича;

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини қўллаш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар жамоавий меҳнат низоларидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддасига мувофиқ, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

Меҳнат низоларини судда кўриш бошқа фуқаролик ишларидан айрим жиҳатлари билан фарқланади.

Аввало, бундай ишлар ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлгани сабабли судлар томонидан тезкор тартибда кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Меҳнат низоларини ҳал этишнинг хорижий тажрибаси турли ҳуқуқий тизимларда ўзига хос моделлар асосида шаклланган. Ушбу тажрибани таҳлил қилишда асосан учта йўналишни ажратиш мумкин: ихтисослашган судлар, медиация (солиштирув) ва маъмурий органлар иштироки.

Меҳнат низоларини фуқаролик суд ишлари юритуви доирасида кўриб чиқиш дунё миқёсида иккита асосий ёндашувга бўлинади: **инглиз-саксон** (АҚШ, Буюк Британия) ва **роман-герман** (Германия, Франция) ҳуқуқий оилалари.

Буюк Британияда меҳнат низоларини ҳал этиш тизими ўзига хос бўлиб, у асосан ихтисослашган трибуналлар ва умумий юрисдикциядаги фуқаролик судлари ўртасида тақсимланган.



Буюк Британияда Employment Tribunals (Меҳнат трибуналлари) — иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи мустақил суд органлари ҳисобланади.

Британия амалиётида низони судгача ҳал қилиш (Alternative Dispute Resolution) жуда муҳим. Даъвогар судга ёки трибуналга мурожаат қилишдан олдин ACAS (Advisory, Conciliation and Arbitration Service — Маслаҳат, яраштирув ва арбитраж хизмати) хизматидан ўтиши шарт.

Меҳнат соҳасидаги низоли масала судгача кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим, башарти яраштириш чоралари ўз самарасини бермаган бўлса ёки яраштирув муваффақиятсиз тугаса, ACAS томонидан махсус сертификат берилади, шундан кейингина трибуналга даъво бериш мумкин.

АҚШда меҳнат низоларини фуқаролик судларида кўриш тизими ўзига хос мураккабликка эга бўлиб, у асосан англо-саксон ҳуқуқ тизими ва прецедентларга асосланади.

АҚШда меҳнат низолари икки хил суд тизимида кўрилиши мумкин:

Агар низо федерал қонунлар (масалан, *Civil Rights Act*, *ADA*, *FLSA*) бузилиши билан боғлиқ бўлса ёки томонлар турли штатлардан бўлиб, даъво суммаси \$75,000 дан юқори бўлса федерал судлар кўриши мумкин.

Асосан маҳаллий меҳнат шартномалари ва штат қонунчилиги бўйича низолар штат судларида кўрилади.

АҚШда меҳнат низоларини фуқаролик судларида кўриш юқори молиявий харажатлар, узоқ давом этадиган далиллар йиғиш жараёни ва ҳакамлар ҳайъатининг иштироки билан характерланади. Тизим низоларни судгача келишув орқали ҳал қилишни рағбатлантиради, чунки суд жараёни иккала томон учун ҳам жуда қимматга тушиши мумкин.

Германия меҳнат судлов тизими дунёдаги энг мукамал тизимлардан бири ҳисобланади.

Германияда меҳнат низолари умумий судлардан алоҳида ажратилган ва уч босқичли Меҳнат судлари тизими (*Arbeitsgerichtsbarkeit*) мавжуд, таркиби Меҳнат судлари (*Arbeitsgerichte*), ер меҳнат судлари (*Landesarbeitsgerichte*) ва Федерал меҳнат суди (*Bundesarbeitsgericht*)дан иборат мустақил суд тизимидан иборат. Унинг асосий мақсади: Иш берувчилар ва ишчилар



(ходимлар), шунингдек, касаба уюшмалари ўртасидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш ҳисобланади.

Германия меҳнат ҳуқуқи тизимида Güteverhandlung (келишув мажлиси ёки яраштирув босқичи) меҳнат низоларини суд тартибида ҳал қилишнинг энг муҳим ва мажбурий бошланғич қисми ҳисобланади.

Германия Меҳнат судлари тўғрисидаги қонунга биноан, ҳар қандай меҳнат низоси бўйича даъво аризаси киритилганда, асосий суд муҳокамасидан олдин албатта яраштирув мажлиси ўтказилиши шарт. Бусиз ишни мазмунан кўриб чиқиш мумкин эмас.

Güteverhandlung (келишув мажлиси ёки яраштирув босқичи) одатда даъво аризаси берилгандан сўнг жуда қисқа муддатда (одатда 2-6 ҳафта ичида) тайинланади.

Биринчи инстанция судида яраштирув босқичи мажбурий ўтказилади. Агар томонлар келиша олмаса, иш мазмунан кўриш босқичига ўтади.

Германияда "ижтимоий ҳимоя" тамойили кучли, шу сабабли иш берувчи ишдан бўшатишнинг асосли эканлигини исботлаш учун юқори стандартдаги далилларни тақдим этиши шарт.

Статистикага кўра, Германияда меҳнат низоларининг қарийб 50-70% айнан шу илк босқичда, яъни Güteverhandlung (келишув мажлиси ёки яраштирув босқичи) жараёнида келишув билан тугайди. Агар низо мана шу босқичда келишув билан ҳал этилса, тарафлар суд божини тўлашдан озод қилинадилар. Бу тизим ҳам давлат бюджети учун, ҳам тарафлар учун молиявий жиҳатдан жуда қулай.

Францияда меҳнат низоларини кўришда профессионал судьялар иштироки минимал даражада бўлган ўзига хос тизим мавжуд. Процессуал хусусияти суд аъзолари — судьялар эмас, балки сайланадиган соҳа мутахассисларидир. Кенгаш тенг миқдордаги иш берувчи ва ходим вакилларида иборат.

Францияда меҳнат низоларини кўришда асосий орган Прюдомлар кенгаши ҳисобланади. Судгача бўлган мажбурий босқич яраштирув бўлиб, ишдан бўшатишнинг асосли эканлигини исботлаш томонлар ўртасида тақсимланган.



Францияда "Меҳнат инспекторлари" низони жойида яраштириш йўли билан ҳал қилиш ваколатига эга.

Меҳнат низоларини фуқаролик судларида кўришнинг процессуал хусусиятлари хорижий мамлакатлар тажрибасида нафақат ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши, балки ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий мувозанатни таъминлаш механизми сифатида ҳам қаралади.

Хорижий тажрибани назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилганда, куйидаги муҳим процессуал хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**Биринчидан, исботлаш мажбуриятининг тақсимланиши (Burden of Proof).** Кўплаб хорижий давлатлар (Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ, Канада) қонунчилигида меҳнат низоларида исботлаш мажбурияти "реверсив" (тескари) характерга эга. Амалиётда: масалан, ишдан бўшатишнинг қонунийлигини ходим эмас, балки иш берувчи исботлаб бериши шарт. Агар иш берувчи етарли далил келтира олмаса, суд автоматик равишда ходимнинг фойдасига қарор чиқаради.

**Иккинчидан, судгача бўлган мажбурий яраштирув босқичи.** Хорижий мамлакатларда суд жараёнини бошлашдан олдин низони муқобил ҳал этиш (ADR) мажбурий ҳисобланади. Италия ва Франция давлатларида судья ишни мазмунан кўришни бошлашдан олдин томонларни яраштиришга мажбур. Агар яраштириш чоралари кўрилмаган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилиши мумкин. Буюк Британия: ACAS (Advisory, Conciliation and Arbitration Service) хизмати орқали сертификат олмасдан туриб трибуналга мурожаат қилиб бўлмайди. Бу суд тизимида тушадиган юкломани 40-60% гача камайтиради.

**3. Суд таркибининг ўзига хослиги (Паритет тамойили).** Германия, Австрия ва Франция каби давлатларда меҳнат низоларини кўрувчи суд таркиби фақат профессионал судьялардан иборат эмас, суд хайъатида бир нафар профессионал судья ҳамда икки нафар маслаҳатчи (бири иш берувчилар вакили, иккинчиси ходимлар/касаба уюшмалари вакили) иштирок этади.

Германия ва Франциядаги суд таркибида профессионал судьялар билан бир қаторда иш берувчи ва ходимлар вакилларининг (маслаҳатчиларнинг) иштирок этиши — қарорларнинг нафақат қонуний, балки ҳаётий адолатли



бўлишини таъминлайди. Франциядаги Прюдомлар кенгаши эса суд тизимининг профессионал коррупциядан холилиги ва жамиятга яқинлигининг ўзига хос намунасидир.

Меҳнат низоларини ҳал этишнинг хорижий моделларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, дунё миқёсида суд жараёни нафақат ҳуқуқий зиддиятни ечиш, балки ижтимоий шерикликни сақлаб қолиш воситаси сифатида ривожланмоқда.

Барча ривожланган давлатлар учун умумий бўлган энг муҳим жиҳат — **Alternative Dispute Resolution (ADR)**, яъни муқобил яраштирув жараёнининг мажбурийлигидир.

Ўзбекистон шароитида ушбу тажрибани қўллаш, айниқса, фуқаролик судларида меҳнат низолари бўйича ихтисослашган судьялар корпусини кенгайтириш ва медиация механизмини (шу жумладан, онлайн медиацияни) кучайтиришда фойдали бўлиши мумкин.

Мақола хулосаси сифатида шуни таъкидлаш мумкин: Ўзбекистон учун хорижий тажрибадан қуйидагиларни имплементация қилиш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, меҳнат низоларини судгача ҳал қилиш учун мажбурий яраштирув босқичини (масалан, меҳнат инспекцияси ёки медиаторлар иштирокида) қонунан мустаҳкамлаш;

**Иккинчидан**, фуқаролик судлари тизимида меҳнат низолари бўйича ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш ва "жамоатчи маслаҳатчилар" институтини паритет асосида жорий этиш.

**Учинчидан**, Халқаро тажрибага таянган ҳолда, меҳнат низоларини тезкор ва арзон ҳал этиш имконини берувчи "**Online Labour Dispute Resolution**" (меҳнат низоларини онлайн ҳал этиш) платформаларини яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тажриба шуни кўрсатадики, меҳнат низоларини фуқаролик судларида кўришда асосий урғу судгача бўлган яраштиришга ва иш берувчининг масъулиятини оширишга қаратилган. Бу эса суд тизимидаги юкломани камайтириш билан бирга, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий тажрибанинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини янги



Academia Review-A Multidisciplinary Online Journal

ISSN (Online): 3070-6726

Website: <https://academia.org>

Volume 2, Issue 4, April, 2026



This work is Licenced under Creative Commons Attribution 4.0 International License (CC BY 4.0).

босқичга олиб чиқиш ва фуқаролик суд ишлари юритуви самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Адолат, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат, 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2018 йил 3 июль.
5. Гасанов М.Ю., Раҳимов М.А. Меҳнат ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2023. – 450 б.
6. Исмоилов Ш.А. Меҳнат низоларини ҳал этиш: Назария ва амалиёт. – Тошкент: Lesson Press, 2022. – 210 б.
7. Weiss, M., & Schmidt, M. Labour Law and Industrial Relations in Germany. – Wolters Kluwer, 2021.
8. ACAS (Advisory, Conciliation and Arbitration Service). Annual Report and Accounts 2023/24. [Электрон ресурс]. URL: <https://www.acas.org.uk>
9. French Labour Code (Code du travail). [Электрон ресурс]. URL: <https://www.legifrance.gouv.fr>